

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2019.YU.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

АСКАРОВ НОСИРЖОН ИБРАГИМОВИЧ

**НОМЛАНМАГАН ШАРТНОМАЛАРНИ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ**

**12.00.03-Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации
Content of the abstract of doctoral (PhD) dissertation

Аскарлов Носиржон Ибрагимович

Номланмаган шартномаларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга
солишнинг назарий ва амалий муаммолари..... 3

Аскарлов Носиржон Ибрагимович

Практические и теоретические проблемы гражданско
правового регулирования непоименованных договоров
..... 25

Askarov Nosirjon Ibragimovich

Practical and theoretical problems of civil legal regulation of
unnamed contracts 41
.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси В2019.1.PhD/Уу240 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) ZIYONET таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рўзиев Рустам Джаббарович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Самарходжаев Ботир Билялович,
юридик фанлар доктори, профессор

Топилдиев Воҳиджон Раҳимжонович,
юридик фанлар номзоди, профессор

Етакчи ташкilot:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристар малакасини ошириш
маркази

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти хузуридаги юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича DSc.32/30.12.2019.YU.74.01 ракамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "11" 08 соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел. (99871) 230-32-71; факс (99871) 230-32-50; e-mail mg-hti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (1812 ракам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чорсу кўрғони.

Диссертация автореферати 2020 йил "28" 07 куни тарқатилади (2020 йил "28" "шанба" 04 ракамли реестр баённомаси).



М.Ш.Рустамов
Илмий даража берувчи бир
марталик илмий кенгаш раиси,
ю.ф.д., профессор

М.Ш.Чориев
Илмий даража берувчи бир
марталик илмий кенгаш котиби,
ю.ф.н., доцент

М.А.Усманова
Илмий даража берувчи бир
марталик илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, ю.ф.д., профессор

Кириш (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви ва интеграциялашуви, тадбиркорликнинг муттасил ва кенг қамровли ривож шартномалар сонининг ошишига, уларнинг анъанавий шакл-шамойили, мазмун-моҳияти, баъзан тузилмасидаги ўзгаришларга, мураккаблашувига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда қонунда кўрсатилган ёхуд қонунда назарда тутилмаган бир нечта шартномалар белгиларини ўзида жамлаган битимларнинг тез-тез тузилиши ҳаётимизда янги, номланмаган ва аралаш шартномалар юзага келишини одатий ҳолга айлантирмоқда.

Жаҳон миқёсида юридик ва жисмоний шахслар томонидан тузилаётган, бироқ муайян мамлакат қонун ҳужжатларида ўз аксини топмаган шартномалар сони кескин ортиб бормоқда. Бу каби шартномаларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш истиқболларини тадқиқ этиш, номсиз шартномаларни тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш, соҳада учраётган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш усулларини такомиллаштириш, халқаро қоидаларга миллий қонунчиликни мослаштириш, қонунчиликда ўзининг аниқ ифодасини топмаган шартномаларни қонунийлаштириш масалалари билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарблик касб этмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йиллар давомида Ҳаракатлар стратегияси доирасида¹ барча соҳаларда улкан ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ҳуқуқий соҳада ҳам ушбу давр мобайнида янгиланиш ва мавжуд муаммоларни очиқ ифода этиш ҳамда уларнинг ечимини аниқлаш бўйича саъи-ҳаракатлар амалга оширилди. Ушбу ўзгаришлар, асосан, мавжуд қонунчиликни либераллаштириш ва фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларига ижтимоий фаол бўлишлари учун қўшимча имкониятлар яратишдан иборат. Бу, ўз навбатида, қўшимча мажбуриятлар ва янги турдаги, аввал қонунчиликда тартибга солинмаган муносабатларнинг вужудга келишини тақазо этади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сон “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. 2017 йил 7 февраль. ПФ-4947-сон // Lex.uz.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация мавзуси бўйича хорижий адабиётлар шарҳини амалга ошириш учун АҚШ, Япония, Германия, Франция мамлакатлари ва МДХ, хусусан, Россия Федерацияси олимлари томонидан олиб борилган илмий изланишлар имкон қадар ўрганилиб, Малайзия, Япония, Франция ва АҚШ каби мамлакатларнинг қонунчилиги таҳлил қилинди. Жумладан, россиялик тадқиқотчилар М.Батлер ва А.Писчиковнинг илмий ишлари ўрганилиб, улардаги фикр ва хулосаларга муносабат билдирилди. Малайзия ва Япония мамлакатлари қонунчилигидаги номланмаган шартномаларнинг давлат томонидан тартибга солинишига доир муносабатлар бевосита ушбу мамлакатларга амалга оширилган ташрифлар давомида ўрганилди.

Аниқланишича, номланмаган шартномалар масалаларига унча кўп бўлмаган мақолалар, монографиялар ва диссертациялар бағишланган. Хорижий мамлакатлар, МДХ давлатлари, хусусан, Россия Федерациясида мазкур мавзу билан у ёки бу даражада Я.Драгонец, П.Холлендер, К.П.Победоносцев, Г.В.Шершеневич, Д.И.Майер, О.С.Иоффе, И.Б.Новицкий, В.А.Мусин, И.А.Покровский, Л.С.Таль, В.А.Удинцев, В.И.Синайский, А.Н.Танага, В.И.Овчинников, Ю.А.Тихомиров, Б.И.Пугинский, В.А.Писчиков, Б.Д.Завидов, Д.Гримм, Е.А.Зверева, В.В.Витрянский, В.В.Зайцев, М.И.Брагинский, О.Н.Садиков, В.Батлер, Ю.В.Романец каби ҳуқуқшунос олимлар шуғулланганлар. Уларнинг тадқиқотларида “номсиз”, “нотипик”, “аралаш”, “номланмаган” каби атамалар остидаги шартнома муносабатлари умумий шартнома эркинлиги ёки ҳуқуқ фалсафаси тамойили сифатида ёхуд муайян тадбиркорлик муносабатлари доирасида ёхуд хорижий давлатлар қонунчилиги мисолида кўриб чиқилганлигини қайд этиш лозим.

Республикамизда таниқли бўлган бир қатор цивилист олимлар, жумладан И.Б.Зокиров, Х.Р.Раҳмонқулов, Ш.Н.Рўзиназаров, О.Окюлов, Р.Ж.Рўзиёв, М.Х.Раҳмонқулов, Ш.Асъянов, А.Мухаммадиев, И.Анортоев, С.Бобоқулов, К.Қ.Рашидов, К.О.Синдоров, В.Р.Топилдиев, М.Ш.Чориев ва бошқалар фуқаролик ҳуқуқий шартнома муносабатлари тадқиқи жараёнида номланмаган шартномалар мавзусига у ёки бу даражада аҳамият қаратганлар. Масалан, йирик цивилист-олим, академик Х.Р.Раҳмонқулов, профессорлар И.Б.Зокиров, О.Окюлов, Ш.Рўзиназаровлар ўз асарларида шу турдаги шартномалар мавжудлигини тилга олиб ўтиш билан чеклансалар, профессор Р.Ж.Рўзиёв аралаш шартномани лизинг шартномаси ва шартномалар таснифи кесимида, профессор А.Мухаммадиев шартнома эркинлиги тамойили тадқиқи доирасида, В.Топилдиев унинг қадимги Рим ҳуқуқидаги ҳолати хусусида қисқача тўхталиб ўтадилар.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда шу кунгача “номланмаган” ва “аралаш” шартномалар тушунчасининг ўзаро нисбати, шакллари, номланмаган шартномалар пайдо бўлишининг ўзига хос асослари, уларнинг ҳақиқийлик чегарасини аниқлаш, маълум бўлган шартномалар таснифи доирасида номланмаган шартномаларни ажратиш, аниқ қонунчилик кўрсатмалари мавжуд бўлмаганида номланмаган шартномаларни ҳуқуқий

тартибга солиш бўйича ёндашувлар каби масалаларни комплекс тарзда тадқиқ қилиш эътибордан четда қолган.

Мамлакатимиз қонунчилигида “номланмаган шартнома” атамаси қўлланилмаган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354-моддаси 1 ва 3-бандларида “Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар.., тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин” деб белгиланганлиги амалда қонун чиқарувчи томонидан фуқаролар ва юридик шахсларга шартнома тузиш жараёнида дискрецияга катта ўрин қолдирган.

Шу тарзда, Фуқаролик кодексининг 354-моддаси 1 ва 3-бандларини тўлақонли амалга ошириш учун номланмаган шартномаларнинг мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш, қонунчилик билан мустаҳкамланган битимлар тизимида уларнинг ўрни ва ролини аниқлаш зарур. Эркин шартнома тамойилини амалий ижроси учун тадбиркорларга ҳар соҳада жуда кенг имкониятларни яратиш орқали уларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш усуллари тадқиқ этиш ҳозирги кунда цивилистика олдида турган долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар асосида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади номланмаган шартномаларни такомиллаштириш ва фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

номланмаган шартнома тушунчаси ва мазмунини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш;

хориж ва Ўзбекистон ҳуқуқ тартиботида номланмаган шартнома институтининг шаклланиши ҳамда ривожланишини ўрганиш;

номланмаган шартномаларнинг вужудга келиш асослари ва шартларини тадқиқ қилиш;

номланмаган шартномаларни фуқаролик ҳуқуқий шартномалар тизимида таснифлаш;

номланмаган шартноманинг ҳақиқийлик шартларини аниқлаш ва чекланишини ёритиб бериш;

номланмаган шартномаларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб бериш;

номланмаган унитар ва аралаш шартномаларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан илмий-назарий ва амалий аҳамиятга молик таклиф-тавсиялар бериш ва хулосалар қилиш.

Тадқиқотнинг объекти номланмаган шартномалар ва уларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишга оид ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот предметини номланмаган шартнома муносабатларини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ илмий-назарий ва амалий фаолият ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, тарихийлик, анкета сўрови, эмпирик материаллар ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатув, тизимли ёндашув, мантиқийлик усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илмий-назарий муомалада “одатдан ташқари мазмундаги”, “нотипик”, “меъёрдан четга чиққан”, “номсиз”, “аралаш”, “янги”, “малакаланмаган” номлар билан учрайдиган фуқаролик ҳуқуқий шартномалар ва “номланмаган шартнома” тушунчасига муаллифлик таърифи берилган;

номланмаган шартнома муносабатлари, мазмун-моҳияти ва тартибга солиш хусусиятларига кўра номланмаган унитар ва номланмаган аралаш турларга ажратилиб таснифланган;

“фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги тиббий хизматлардан фойдаланиш ва уларнинг сифатини таъминлаш бўйича мамлакатимиз қонунчилигида мавжуд бўлмаган “сунъий уруғлантириш”, “суррогат оналик” каби тушунчаларни қонунчиликка киритиш таклиф этилган;

тайёр дори маҳсулотларини мамлакатимизга қадокланмаган ҳолда олиб кириш ҳамда қайта қадоклаш орқали реализация қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида фармацевтика фаолиятида “in bulk” асосида олиб кириладиган маҳсулотларни Ўзбекистонда ишлаб чиқилган маҳсулот тоифасидан чиқариш таклиф қилинган;

тиббиёт буюмларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида қадоклаш, истеъмол ўрами ва маркировкадан бошқа барча технологик жараёнлардан ўтган ҳар қандай тиббиёт буюминини “In bulk” маҳсулот деб эътироф этиш таклиф этилган;

номланмаган шартнома доирасида футболчиларни клубдан клубга ўтиш масаласини расмийлаштиришда қўлланиладиган намунавий трансфер шартномаси таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Диссертациядаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан илмий-амалий фаолиятда, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида, фуқаролик ва тадбиркорлик муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда фуқаролик, тадбиркорлик ва оила ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Шунингдек, диссертациянинг амалий натижаси сифатида номланмаган аралаш шартномаларнинг тури бўлган “сунъий уруғлантириш”, “қон топшириш”, “трансплантация” (донорлик), “трансфер”, “in bulk” (қадокланмаган дори воситалари олди-сотдиси), “суррогат оналик”, “антирекрут”, “эскейп рум” да хавфсизлик каби шартномалар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлигини кўрсатиш мумкин. Жумладан, “эскейп рум”,

“квест”, “блогер” тушунчаларини қонунга киритиш бўйича таклиф тайёрланди, “эскейп рум” хавфсизлик стандарти, “сунъий уруғлантириш” ва “трансфер” шартномаларининг намунавий шакли ишлаб чиқилди.

Ушбу натижалар, биринчидан, республикада фуқаролик шартномаси ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда, иккинчидан, қонунчилигимизда мавжуд бўлмаган шартнома муносабатларини легаллаштиришда, учинчидан, ушбу тур шартномаларга расмий тус бериш ва замонавий шартнома шаклларини ҳаётга татбиқ қилишда, тўртинчидан, қонунчилигимиздаги бўшлиқларни тўлдириш ва суд амалиётида учраётган муаммоли ҳамда баҳсли ҳолатларни бартараф этишда, бешинчидан, янги, номланмаган ва аралаш шартномаларни ҳуқуқий тартибга солишда хизмат қилиши мумкинлиги билан амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган назарий қарашлар ва методологик ёндашувларнинг расмий манбалардан олинганлиги, илмий изланишнинг дастлабки натижалари халқаро ва миллий қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажрибалар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, цивилистика назариясининг умумэтироф этилган қоидалари асосида исботланиб, амалиётга жорий қилинганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан тааллуқли равишда миллий қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, фуқаролик ҳуқуқи, жумладан шартнома институти, шунингдек, ҳуқуқнинг бошқа тегишли соҳаларининг илмий-назарий базасини бойитишда, олий ўқув юртлари ҳуқуқшунослик йўналиши талабаларини ўқитиш жараёнида, илмий тадқиқот, малака ошириш фаолияти ҳамда суд амалиётида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 мартдаги ЎРҚ-528-сонли “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси 3–4-бандлари, 10-моддаси 1-қисми, 15-моддаси 1-қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 25 июндаги 168-сон далолатномаси). Илмий натижаларнинг жорий этилиши номланмаган шартнома тавсифини қонун ҳамда норматив ҳужжатларда акс эттиришга, шунингдек фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги тиббий хизматлардан фойдаланиш ва уларнинг сифатини таъминлаш бўйича шартнома муносабатларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг 2019 йил 04 июлдаги 1/16-232-сон далолатномаси). Тадқиқот натижаларининг қўлланилиши республикада дори воситалари ва

тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни тартибга солиш чоратadbирларини тайёрлаш, “in bulk” маҳсулот асосида ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари мақомини аниқлаш ва тартиблаштириш амалиётини бойитган;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан трансфер шартномасининг намунавий шакли кўриб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 21 августдаги 03-07-08-3223-сон далолатномаси). Натижада мазкур шартноманинг халқаро стандартлар асосида амалиётга жорий этилиши белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий хулосалари “Институт содружества независимых государств-Вопросы адаптации мигрантов из стран СНГ” (Москва, 2013); “Ўзбекистон Республикасида кластерларни шакллантириш ва иқтисодийни модернизациялаш” (Тошкент, 2018), “Наука инновации и современные концепции” (Москва, 2019), “Scientific research of the SCO countries: synergy and integration” (Пекин, 2019) каби халқаро конференцияларда мақола ва маъруза тезислари шаклида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та, жумладан 1 та монография, диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда, хусусан миллий журналларда 9 та, халқаро журналларда 2 та, халқаро илмий анжуманларда 3 та, республика илмий анжуманларида 2 та мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, саккиз параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 157 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (диссертация аннотацияси) қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объект ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Номланмаган шартномаларнинг илмий-назарий таҳлили ва умумий тавсифи**” деб номланиб, унда “номланмаган шартнома” тушунчаси ва унинг мазмуни илмий нуқтаи назардан таҳлил қилинган, хорижий давлатлар, жумладан Европа мамлакатлари (Германия, Франция, Буюк Британия), АҚШ, Малайзия, Япония, шунингдек МДҲ давлатлари (Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон) ҳуқуқ-тартиботида номланмаган шартномалар Ўзбекистон Республикаси

қонунчилигидаги ҳолати билан қиёсий ўрганилган. Ушбу бобда номланмаган шартномаларнинг вужудга келиш асослари ва шартлари генезиси тарихий шаклланиш ва ривожланиш кесимида ҳозирги кунгача бўлган реал воқелик кўринишида таҳлил этилган.

Мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида жамиятимизнинг барча соҳаларида содир бўлаётган улкан ўзгаришлар, хусусан, ҳуқуқий йўналишдаги янгиланишлар, қонунчиликнинг либераллаштирилиши оқибатида фуқароларга, тадбиркорлик субъектларига ижтимоий фаоллик учун яратилаётган кенг имкониятлар шароитида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда пайдо бўлаётган янги тузилиш ва мазмундаги шартномаларнинг илмий назарий ҳамда мавжуд қонунчилик базаси, шунингдек цивилист ҳуқуқшунос олимларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилган. Номланмаган шартномалар амалда мавжудлиги, бироқ ҳали миллий қонунчилик билан тартибга солилмаганлиги (ЎР ФК 354-моддаси умумий қондаси бундан мустасно) қайд этилган.

Тадқиқотчи қадимги Рим ҳуқуқида (император Марк Лабеон, ҳуқуқшунослар Стефаний, Павел, Юстиниан қонунлари тўплами), юридик адабиётларда ва қатор ҳуқуқшунос олимлар (И.Покровский, И.Новицкий, Д.Дождев, М.Майер, М.Гриндер, В.Ойгензихт, О.Красавчиков, Х.Раҳмонқулов, В.Писчиков, Р.Рўзиев, Е.Зверева, Б.Завидов, М.Телюкина, А.Танага, А.Мухаммадиев, О.Иоффе, М.Брагинский, В.Витрянский, О.Окюлов, М.Батлер, В.Топилдиев, М.Чориев ва бошқ.) асарларида “номсиз”, “ўхшаш бўлмаган”, “одатдан ташқари”, “нотипик”, “квази”, “аралаш”, “бошқалардан фарқ қилувчи” каби номлар остида учрайдиган шартномаларнинг таҳлили асосида номланмаган шартномага муаллифлик таърифини шакллантирган.

Тадқиқот ишининг ушбу қисмида номланмаган шартнома мазмун-моҳиятини англаш бевосита қонунлар ва қонун ижодкорлиги билан боғлиқлиги сабабли, қадимги Рим ҳуқуқи манбалари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, хориж давлатлари қонунлари ва миллий қонунчилигимиз, жумладан Фуқаролик кодекси нормаларининг такомиллашувини ўрганиш асосида мазкур институтнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёни ёритиб берилган.

Тадқиқотда замонавий фуқаролик ҳуқуқи мажбурият пайдо бўлишининг тўртта асоси: 1) ғайри-қонуний хатти-ҳаракатлар; 2) шартномалар (битимлар); 3) бир томонлама ҳаракатлар; 4) асоссиз равишда бойлик орттиришдан келиб чиқиб, номланмаган шартноманинг вужудга келиши замирида тарафлар эркинлиги ва хоҳиш-иродаси ётишини қонун нормалари ва илмий-назарий таълимотлар нуқтаи назаридан далилланган. Ҳаётда объектлаштирилмаган шартнома (битим) моҳиятан тарафлар хоҳиш-истагининг таркибий қисми эканлиги ҳисобга олинган ҳолда, у ҳуқуқий мақсадни амалга ошириш учун танлаб олинган ҳаракат усули ҳам бўлиши таъкидланган.

Жумладан, айнан хоҳиш-истак тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларга киришиши учун маълум бир шаклга келтирилган ҳаракатлари алгоритмининг ҳосил қилиши, тарафларнинг хоҳиш-истаги тўлалигича ҳуқуқий кучга эга бўлиши учун эса шартнома тузилиши ва қонун “призма”си орқали ўтиши

лозимлиги илмий асослангирилган. Номланмаган шартномалар (қонунда назарда тутилган икки ва ундан ортиқ шартнома элементларини бирлаштирган аралаш, лекин номсиз шартномалар бундан мустасно) учун эса бундай “призма”, яъни уларни тартибга солувчи аниқ қоидалар мавжуд эмас. Зеро, айнан мазкур шартномалар мустақиллик, эркинлик категорияларининг янада кенгайтириши, янги шартнома муносабатларини тартибга солиш ва амалиётда қўллаш учун маъқул қоидаларни яратишда ҳуқуқий манба сифатида хизмат қилиши таъкидланган. Шак-шубҳасиз, қонунда ўз ифодасини топмаган янги шартноманинг вужудга келишида томонлар ҳоҳиш-истаги “эркинлик”, “қонунга зид келмаслик” тамойиллари билан бир қаторда “ақл”, “адолат”, “яхши хулқ-атвор”, “жамият манфаатларига путур етказмаслик” сингари талаблар доирасида бўлиши шарт.

Фуқаролик ҳуқуқи бўйича мутахассислар номланмаган шартнома муаммоларига мурожаат қилиб, кўпинча кўриб чиқиладиган ҳуқуқий ҳодисани турлича “номлар” билан аташади. Қонунда “қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан кўзда тутилмаган” деб таърифланган ҳодиса, адабиётларда қуйидагича талқин этилади: одатдан ташқари мазмунга эга, нотипик, яъни ўзига хос бўлмаган, меъёрдан четга чиққан, номсиз, номланмаган, малакаланмаган шартнома ва ҳоказо.

Бу масалада ўз мулоҳазаларимизни билдириб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз. “Малакаланмаган шартнома” тушунчасини қўллаш “зид” тамойилига бевосита боғлиқ бўлиб, “малакаланмаган” атамаси шартнома маълум бир типга, гуруҳга, турга тааллуқли эмаслигини, маълум бир аломатларнинг мавжуд эмаслигини ва шартномаларни мавжуд бўлган шартномалар таркибида тартибга солиш зарурлигини англатади. Кўриб чиқиладиган атама муаллифи шартномани таърифлашда, турини ҳам, шунингдек, таснифлашнинг бошқа натижаларини ҳам изоҳлашга имкон берувчи шартномани номлашдан кўра, уни у ёки бу турга, гуруҳга тааллуқлилигини муҳим деб ҳисоблайди. Фикримизча, айнан “номланмаган” тушунчасини қўллаш унинг номи йўқлигини сўзма-сўз акс эттиради. Номсиз эканлигига эътибор қаратишни тўғрироқ деб ҳисоблаймиз. Чунки бу ўз-ўзидан аниқ шартнома моделининг малакаланмаганлигини англатади (маълум бир типга, турга, хилга тааллуқлилигини эмас).

Бугунги кунда янги замонавий технологиялар бутун инсониятни ўзига жалб қилган. Замонавий технологиялар ёрдамида муқаддам мавжуд бўлмаган янги муносабатлар вужудга келмоқда. Булардан бири сифатида онлайн савдоларни кўрсатиш мумкин. Оддий олди-сотди шартномасига кўра шартномада икки тараф иштирок этади. Бир тараф маҳсулотни сотса, иккинчи тараф уни сотиб олади. Бирок, бугунги кундаги онлайн савдо хизматларини тақдим этувчи Интернет сайтлар мазкур тушунчани анча кенгайтириб юборди. Масалан, мамлакатмизда 10 йилдан буён фаолият кўрсатаётган www.olx.uz сайтини олайлик. Мазкур сайт ёрдамида фуқаролар ва тадбиркорлар ўзлари

томонидан тақдим этилаётган товарлар ёки хизматлар ҳақида эълон бериши, бошқа фуқаролар ёки юридик шахслар эса, ушбу сайтдан фойдаланиб, ўзига керакли товар ёки хизматларни сотиб олиши мумкин. Товар сотувчи ва олувчи ўртасидаги битим, шубҳасиз олди-сотди шартномаси доирасида ётади, бироқ www.olx.uz веб сайти яратувчилар ҳамда товар ва хизматларни сотувчи ва сотиб олувчи шахслар ўртасидаги муносабатчи? Агар бунда товар сотувчи шахс ушбу веб сайтнинг ўзига тегишли бўлган аниқ белгиланган маълум бир жойни муайян муддатга “ижарага олиб”, ушбу жойга ўз маълумотини жойлаштирса, ушбу муносабатларни ижара шартномаси доирасида кўриб чиқиш мумкин бўларди. Бироқ, маълумот сайтнинг исталган жойида акс этиши мумкинлиги, виртуал муҳит эса веб сайт яратувчиларининг мулки эмаслиги ушбу муносабатнинг ижара шартномаси асосида вужудга келмаганлигини кўрсатади. Ушбу муносабатга хизмат кўрсатиш шартномаси миқёсидан қарайдиган бўлсак, хизмат кўрсатишда бир тараф иккинчи тарафга муайян ҳақ эвазига бирор-бир хизматни кўрсатади ҳамда ушбу шартномада хизмат учун ҳақ тўланиши асосий шартлардан биридир. (Текин фойдаланиш шартномасини хизмат кўрсатиш шартномаси доирасига киритиб бўлмайди, зеро текин фойдаланишда фойдаланиш объекти бир шахсдан иккинчи шахсга вақтинча берилиши асосий шартлардан биридир, хизмат кўрсатишда эса бундай ҳолат юзага келмайди). Кўриб чиқилаётган веб сайтда эълонларни текинга жойлаштириш имконияти мавжудлиги эса мазкур муносабатнинг мутлақо бошқа, номсиз битим доирасида ётишини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунининг¹ 6-моддаси 13-бандида “Рўйхатга олиш маркази билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида амалга оширилади” деб кўрсатилган. Рўйхатга олувчи орган билан буюртмачи ўртасидаги муносабатлар хизмат кўрсатиш шартномаси асосида амалга оширилиши тушунарли. Аммо, қандай қилиб моддий кўринишга эга бўлмаган электрон рақамли имзони фуқаро ёки жисмоний шахсга тақдим этишда тарафлар ўртасидаги шартнома моделини аниқлаш мумкин?

Шунга ўхшаш ҳолат Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги қонунида² мавжуд бўлиб, Қонуннинг 21-моддасида “рекламани почта жўнатмалари орқали тарқатиш белгиланган тартибда шартнома асосида амалга оширилади” деб қайд этилган. Ушбу қоида мазмунидан келиб чиқиб савол туғилади, яъни реклама берувчилар реклама олувчиларга, юридик ва жисмоний шахсларга реклама юборишдан олдин улар билан хизмат кўрсатиш ёхуд маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома тузишлари шартми? Ёки ушбу муносабат бошқа шартнома моделида ифодаланиши керакми? Фикримизча, бу каби масалаларни ҳал этиш учун, авваламбор, номланмаган шартномалар тушунчасини қонунчиликка киритиш лозим.

¹Ўзбекистон Республикаси “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонун // Lex.uz.

²Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси реклама тўғрисида”ги қонуни // Lex.uz.

Нотипик шартномаларга мисол сифатида футболчиларни трансфер қилиш шартномасини кўрсатиш мумкин. Бутун дунёда футболчиларни бирор бир клубда фаолият кўрсатиши учун клуб билан футболчи ўртасида шартнома имзоланади. Ушбу битимни меҳнат шартномаси доирасида баҳолаш мумкиндек кўринади. Бироқ, ушбу шартномада “футболчининг сотилиш баҳоси” кўрсатилиб, ҳар қандай бошқа клуб шартноманинг муддати тамом бўлишидан олдин ушбу пул миқдорини клубга тўлаб, футболчини ўз клубига олиб кетиши мумкин. Демак, бу меҳнат шартномаси эмас. Бу қандай битим? Одам савдосими? Йўқ, албатта. Бу номланмаган шартноманинг бир кўриниши бўлиб, бу каби шартнома орқали футболчи бошқа клубга ўтишга мажбур бўлиши ва бу муносабат миллий қонунчиликда тартибга солилмаганлиги уни “номсиз” шартномалар турига киритилишига асос бўлади.

Испания, Франция каби Европа мамлакатларида бу каби битимлар “номсиз” тоифасидан “қонунда мавжуд” тоифасига ўтказилган. Зеро, ушбу мамлакатлар қонунчилигида трансфер шартномаси назарда тутилган. Бизнинг мамлакатимизда эса трансфер шартномаси қонун билан тартибга солилмаганлиги боис бу турдаги битимлар бугунги кунда “номсиз” кенглигидадир. Мазкур битимларни “қонунийлаштириш” бошқарув ва менежерлик нуқтаи назаридан ҳам муҳим саналади. Зеро, ушбу шартномалар қонунчиликда ўз аксини топса, бирор клубнинг бошқарувчиси бу каби битимни тузаётганида унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилмаганидаги жавобгарлик масалалари бўйича аниқ тасаввурга эга бўлади.

Футбол трансфер шартномалари бизнинг мамлакатимизда ҳам жуда катта маблағ эвазига тузилишини инобатга олсак, бу муаммонинг долзарблиги янада ошади. Масалан, Тошкентнинг “Пахтакор” футбол клубининг интернет тармоғидаги веб сайтида¹ 2018 йилнинг январь ойида эълон қилинган хабарда португалиялик ҳужумчи Исмоил Гонсалвеш “Пахтакор” клуби футболчисига айланганлиги, у билан икки йиллик шартнома имзоланганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, номланмаган шартномалар қаторига футболчиларнинг ижара шартномасини ҳам киритиш мумкин. Ушбу шартномада футболчи бошқа клубга муайян муддатга ижарага берилади. Мисол учун, “Пахтакор” футбол клубининг веб сайтида 2018 йил февраль ойида эълон қилинган хабарга кўра, ярим ҳимоячи Гиди Канюк фаолиятини Тель-Авивнинг “Маккаби” жамоасида ижара асосида давом эттириши кўрсатилган бўлиб, “Маккаби” футболчини ярим йилга ижарага олганлиги, келишувга кўра, кейинчалик ушбу клуб уни харид қилиш ҳуқуқига эга бўлиши ҳам кўрсатилган. Мазкур хабар бугунги кунда амалиётда нафақат футболчиларни трансфер қилиш шартномаси, балки уларни ижарага беришни назарда тутувчи шартномалар ҳам мавжудлигини кўрсатади.

Мазкур шартномаларнинг номланмаганлигини фақат уларнинг қонунчиликда белгиланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Амалиётда трансфер шартномалари турли шаклларда имзоланаётганлигидан келиб чиқиб, келгусида

¹ www.pakhtakor.uz

мазкур турдаги шартномаларнинг намунавий шакли ишлаб чиқилиб, барча жамоаларга татбиқ этилиши лозим.

Диссертациянинг **“Номланмаган шартномалар таснифи ва ҳақиқийлик шартлари”**га бағишланган иккинчи боби номланмаган шартномалар таснифи, ҳақиқийлик шартлари ва чекловига оид масалаларни тадқиқ қилишга бағишланган.

Мазкур бобда номланмаган шартномаларнинг фуқаролик ҳуқуқий шартномалар тизимида тутган ўрнини аниқлаш мақсадида турли тасниф даражаларига жойлаштириш ва бунда шартнома моделининг типига, хилига, турига, кичик турига мазкур институтни қай даражада қўллаш мумкинлиги, қандай омиллар ёрдамида ўхшаш ҳуқуқий тартибдаги мажбуриятларни бирлаштирувчи ва турли ҳуқуқий тартибдаги мажбуриятларни ажратувчи шартномаларни гуруҳларга бўлиш ҳақида изланиш амалга оширилган.

Диссертант амалдаги Фуқаролик кодексида фуқаролик ҳуқуқий шартномаларни тўрт гуруҳга ажратиш учун асос сифатида “натижа” ёки “мақсадга йўналтирилганлик” асосий тамойили қўлланилганлигига, янги шартномаларни таснифлашда айнан “мақсадга йўналтирилганлик” мезон сифатида назарий босқичнинг дастлабки омили эканлиги, ундан кейингилари эса меъёр ҳосил қилувчи, яъни ҳуқуқий тартиблаштиришга аниқлик киритувчи омиллар ҳисобланиб, шартнома кўринишларининг белгилаши лозимлигига эътиборини қаратган. Таснифлашнинг кўрсатилган икки тамойили номланмаган шартномаларнинг ягона таснифини ҳосил қилишга имкон беради ва унинг асосида мақсад тамойили ётади. Тадқиқотчининг фикрича, номланмаган шартномалар бўлиниш босқичининг биринчи даражасида гуруҳлар кесимида типларга, иккинчи даражада хилларга, учинчи даражада турларга ва кичик турларга ажратилиши нафақат илмий-назарий, балки маълум маънода амалий (масалан, суд амалиётида номланмаган ёки аралаш шартномалар бўйича низоли ишларни кўриш жараёнида уларнинг мақомини белгилаш ва уларга нисбатан қайси шартнома ёки мажбуриятга тааллуқли қоидаларни татбиқ этиш мумкинлигини аниқлашда) аҳамиятга эга. Ушбу тасниф шартномаларни қуйидаги асослар бўйича, масалан: тарафлар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш (бир томонлама ва икки томонлама), иккинчи тарафни қаноатлантириш (ҳақ эвазига ёки текинга), шартнома тузиш вақтини аниқлаш (ҳақиқий ва консенсуал) ёхуд шартлашувчи тарафлар ёки учинчи томон фойдасига тузиладиган асосий ва қўшимча шартномаларга ажратиш (асосий ва дастлабки) мақсадини кўзламаслиги ҳақида хулоса қилинган.

Кўрсатилган тасниф тамойилларининг бекаму-кўстлигига даъво қилмаган ҳолда диссертант унинг натижаси шартномаларнинг турли хилдаги назарий вариантларини аниқлаш учун эмас, балки қай тарзда шартнома модели унинг турли даражалари бўйича бўлакларга бўлиниши мумкинлигини аниқлаш учун муҳимлигини таъкидлаган.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфида номланмаган ёки янги шартномаларни чекловчи омилларни аниқлаш масаласида тадқиқотчи уларнинг қонунда назарда тутилган шартномалар билан умумий аломатларга эгаллиги ва

муҳим шартлар доирасида ҳал этилиши тўғрисидаги фикрни илгари сурган. Зеро, умумий қоидадан келиб чиққан ҳолда, номланмаган шартнома эркинлиги чеклови объектив (қонунчиликда кўзда тутилган чекловлар) ва субъектив (тарафлар ихтиёрий равишда қабул қилувчи чекловлар) бўлиши илмий асослангандир. Айрим ҳилдаги янги номланмаган шартномаларда муҳим шартларни чеклаш ўзига хосликка эга бўлганлиги боис, шартлашувчи тарафларнинг хоҳишидан келиб чиқиб ҳал қилиниши мумкинлиги, акс ҳолда, бундай шартномани тузилмаган деб тан олиш учун шартнома тузилган вазиятнинг тўлиқ изоҳи талаб этилади.

Диссертациянинг **“Номланмаган шартномаларни ҳуқуқий тартибга солиш”** деб номланган учинчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, унда тузилиши ва мазмунига кўра шартли равишда иккига ажратилган номланмаган унитар ва номланмаган аралаш шартномаларнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда тартибга солишнинг хусусиятлари ёритиб берилган. Ушбу бобда, шунингдек, ҳозирда ҳаётимизда пайдо бўлаётган янги, номланмаган ёхуд аралаш шартномаларнинг айримлари (масалан, трансфер, блоггерлар фаолияти, антирекрут агентлиги хизмати, эскейп румлар фаолияти билан боғлиқ шартномалар ва криптовалюта (биткоин) ишлаб топиш, “in bulk”, донорлик, давлат хариди, сунъий уруғлантириш ёки суррогат оналик функциясини бажариш, одам аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиш, меҳнат ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги электрон кўринишга эга бўлган муносабатларни ўрнатиш ва амалга оширишга қаратилган шартномалар) алоҳида тадқиқ қилиниб, уларнинг ҳар бири юзасидан диссертант ўзининг назарий ва амалий аҳамиятга молик таклиф-тавсияларини берган.

Шунингдек, мазкур бобда янги пайдо бўлган муносабатлардан яна бири, яъни “блоггер”лар билан давлат ҳамда хусусий шахсларнинг ўзаро муносабатлари масалалари таҳлил қилинган. “Блоггер” жисмоний шахс бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам оммавий ахборот воситаси, ҳам Интернетдаги оддий фойдаланувчи шахс вазифасини ўтайди. Мазкур шахс ўзининг Интернет тармоғидаги веб саҳифаси ёки ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали унинг блогига аъзо бўлган шахслар доирасида маълум бир маълумотларни тарқатади. Ҳаётда муайян бир блогга аъзо бўлган инсонлар сони 1 млн. кишидан ортиб кетиши ҳам мумкин.

Бу борада савол туғилади, блоггерларни оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш зарурати борми? Бу савол мамлакатимиздаги баъзи рўйхатдан ўтган оммавий ахборот воситаларининг аудиторияси 1 млн. кишига етмаганлиги билан, шунингдек, мазкур оммавий ахборот воситалари маълумотни фақат мамлакатимиз ҳудудида тарқата олса, блоггерда эса маълумотни тарқатиш учун мамлакат чегараси каби тақиқлар мавжуд эмаслиги билан янада долзарб бўлади. Шу сабаб, ушбу бобда “блоггер” билан давлат ва “блоггер” ҳамда фуқаролар ўзаро муносабатларини қонун билан тартибга солиш масаласи таҳлили қилиниб, мамлакатимизда мазкур соҳада қабул қилиниши лозим бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида таклиф киритилган.

Янги вужудга келган муносабатлардан бири сифатида криптовалюталар ва уларни ишлаб топиш жараёнини кўрсатиш мумкин. Бунда, криптовалютали, жумладан, биткоинни “ишлаб топиш” учун махсус турдаги компьютер ва электр токи зарур бўлиб, Ўзбекистонда 1 биткоин топиш учун 1788\$ сарф харажат қилинади ва ушбу рейтингда мамлакатимиз МДХ мамлакатлари ичида биринчи ўринни эгаллаган¹. Бугунги кундаги 1 биткоин нархи 9000\$ эканлигини инобатга оладиган бўлсак, мамлакатимиз иқтисодиётига мазкур янги муносабат орқали қўшимча маблағларни жалб этиш мумкин бўлади. Бироқ, бугунги кунда мамлакатимиз қонунчилигида “криптовалюта” тушунчаси ҳамда уни ишлаб топиш механизмлари мавжуд эмас, лекин қўплаб хусусий компаниялар ва жисмоний шахслар ушбу фаолият билан шуғулланиб келмоқда. Албатта, Тошкентда ташкил этилган Мирзо Улуғбек инновация маркази томонидан бу борада бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган, бироқ иқтисодий жиҳатдан жуда фойдали мазкур лойиҳани амалга ошириш учун авваламбор уни қонунийлаштириш лозим.

Бу каби масалаларда мамлакатимиз қонунчилиги такомиллашувга муҳтож эканлигини кўриш мумкин. Масалан, юқорида кўтарилган криптовалюта муаммосини қонунчилик ташаббусига эга бўлган қайси орган кўтариб чиқиши мумкин? Албатта, назарий жиҳатдан ахборот технологиялари ривожини учун масъул бўлган давлат органлари Вазирлар Маҳкамаси орқали ушбу лойиҳани Қонунчилик палатасига киритиши ёки ушбу муносабатларни мамлакатимизда 2004 йилда қабул қилинган “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун билан тартибга солиш юзасидан ушбу қонунга ўзгартиришлар киритиш керак. Бироқ, бугунги кунга қадар ушбу тартибдаги ўзгартиришлар киритилмаганлиги натижасида биткоинларни ишлаб топиш ҳамда уларни кейинчалик сотиш борасидаги муносабатлар номланмаган шартномалар кенглигида қолмоқда. Бу эса мамлакат иқтисодиётига ислохотлар даврида реал қўшимча маблағ келтириши мумкин бўлган соҳанинг яширин иқтисодиёт панасида қолишига замин яратмоқда.

Тадқиқот натижасидан 2018 йил 23 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3489-сон “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорини ишлаб чиқилишида фойдаланилди. Мазкур қарорда биринчи бор “In bulk” атамасига тушунча берилди. Ушбу атама мамлакатимизга қадокланмаган ҳолда олиб келинаётган дори воситаларига нисбатан қўлланилиб, 27 йил давомида фармацевтика компаниялари томонидан мазкур муносабат тартибга солинмаганлигига сабаб, ушбу муносабатлар номланмаган шартнома доирасида бўлган. Масалан, “Nobel farm” компанияси томонидан хорижий мамлакатдан тайёр қадокланган дори воситалари сотиб олиш жараёни олди-сотди шартномаси билан тартибга солинса, қадокланмаган “In bulk” маҳсулот тариқасида келтириладиган дори воситалари олди-сотди шартномаси доирасида бўлмас эди. Бунинг сабаби, ушбу маҳсулот на хом ашё,

¹ <https://mining-cryptocurrency.ru/stoimost-majninga-bitcoin-v-raznyh-stranah/>

на тайёр дори воситаси мақомида бўлиб, шартномага кўра “In bulk” маҳсулотини етказиб берувчи ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ушбу маҳсулотни ишлаб чиқарувчилик мақоми, фарм компаниялар томонидан ушбу “In bulk” маҳсулоти қадоқланганидан сўнг йўқотилиши ушбу шартноманинг “олди-сотди” шартномаси мақомида бўлмаганлигини кўрсатади.

Президентнинг юқоридаги қарори билан мазкур атамага аниқ шарҳ берилиб, “In bulk” маҳсулоти ёрдамида ишлаб чиқилган дори воситалари бевосита Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган дори воситалари қаторидан чиқарилди ҳамда бу орқали мамлакатимизда мавжуд бўлган яна бир тартибга солинмаган муносабат ёки бошқача айтганда, номланмаган шартнома номланган тоифасига ўтказилиб, ўзининг ҳуқуқий ечимига эга бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги бирор-бир тиббий муассасада расмий равишда сунъий уруғлантириш жараёни амалга оширилмаётган бўлсада, бу каби муносабатлар мамлакатимизда умуман мавжуд эмас деган фикр тўғри бўлмайди. Тадқиқот давомида мамлакатимизда мазкур соҳадаги амалиёт ўрганилганида, Интернет тармоғидаги <http://www.probirka.org/> веб сайтида махсус “Эко Ташкент” гуруҳи ташкил этилган бўлиб, ушбу гуруҳда Ўзбекистон фуқароларига суррогат оналикни таклиф этувчи шахсларнинг эълонлари ва телефон рақамлари келтирилган. Шунингек, <http://mama-poisk.ru/tashkent/kliniki.html> веб саҳифасида ҳам ўзбекистонлик фуқаролар томонидан суррогат оналикни тавсия қилувчи эълонлар чоп этилган.

Шунингдек, ўрганиш давомида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи клиникалар ҳам мазкур хизматни таклиф этаётганлиги маълум бўлди. Мисол учун, “Шаҳнозобону фэйз” ёки “Доктор Д” номли клиникалар томонидан тўғридан-тўғри суррогат оналик хизмати кўрсатилмасада, бироқ фуқароларга мазкур соҳа бўйича маслаҳатлар бериш йўлга қўйилган. Фуқаро ушбу клиникаларга қилган мурожаати бўйича ушбу клиникалар томонидан расмий тарзда ушбу жараёни амалга ошириш учун лицензия мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот берилсада, амалда фуқароларга суррогат оналик ва сунъий уруғлантиришга доир барча керакли анализларни топширишга имкон яратилиб, якунида Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида жойлашган клиникаларда ушбу хизмат кўрсатилади. Бунда, авваламбор, муаммо мавжуд қонунчиликнинг мукамал эмаслиги сабабидан келиб чиққан бўлса, иккинчидан, ушбу хизматнинг нархи юқорилиги (ўртача 5000 АҚШ доллари) боис мамлакатимиздан анча миқдордаги пул маблағлари кўшни Қозоғистон Республикасига чиқиб кетаётганлигини кўришимиз мумкин.

Бу борада бир муаммо туғилади. Мамлакатимизда бу каби шартномалар расмий равишда тузилиш амалиёти мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб, агар сунъий она бирор-бир оила билан оғзаки келишувга эришиб, сунъий уруғлантиришни амалга ошириб, сўнг фарзанд дунёга келганида болани ушбу оилага беришни хоҳламаса, ушбу ҳолат қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Бу борадаги оқибатлар аянчли бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, мазкур масалани қонуний тартибда ҳал этиш лозим деган фикрни илгари суриш мумкин.

Бирок, ушбу ҳолатда масаланинг иккинчи тарафи юзага келади. У ҳам бўлса, диний қадриятлардир. Жумладан, 2018 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси томонидан мазкур мавзуга бағишланган фатво эълон қилинди. Ушбу фатвога кўра мусулмонларга, уларнинг расмий никоҳга эга эканлиги шарти билан, фақат энг охириги чора сифатида сунъий уруғлантиришдан фойдаланишга рухсат берилган. Шу билан бирга, уруғлантириш фақат ҳақиқий онага нисбатан амалга оширилиши мумкинлиги, уруғлантиришда сунъий оналикдан ёки уруғларнинг донорлигидан фойдаланиш мумкин эмаслиги кўрсатилган. Мамлакатимизнинг аксарият аҳолиси мусулмонларни ташкил этишини инобатга олган ҳолда, ушбу фатвонинг фақатгина тавсиявий тусга эга дейиш тўғри бўлмайди, фикримизча.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, мазкур турдаги битимларни “номсиз” тоифасидан расмий тоифага ўтказиш учун, тадқиқот якуни бўйича мазкур турдаги битимларнинг намунавий шакли ишлаб чиқилди

Номланмаган, янги ва аралаш шартномаларнинг вужудга келиши жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий, илм-фан, ахборот-коммуникация ва инновация ўзгаришлари билан чамбарчас боғлиқлигини эътироф этган ҳолда тадқиқотчи ушбу турдаги шартномалар қонунда акс этмаган бўлса, уларга нисбатан бирон-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллашда фақат икки йўл, усул мавжудлигини асослантириб, биринчиси, одат нормаларига таяниш; иккинчиси ҳуқуқ аналогиясини қўллаш лозимлигини айрим шартномалар мисолида асослашга ҳаракат қилган.

Шунингдек, ушбу бобда сунъий уруғлантириш шартномаси муносабатлари таҳлили қилинган. Мазкур муносабатларни таҳлили қилиш нафақат илмий, балки амалий ҳамда иқтисодий самара бериши аниқ мисоллар билан кўрсатилган.

Шунингдек, тадқиқотда “рекрут” шартномаси таҳлил қилинган. Мазкур шартноманинг мазмунига кўра, ташкилот ўз ходимларини сақлаб қолиш мақсадида рекрут агентлигига ташкилотнинг муайян мутахассисларига иш таклиф қилмаслик шартини қўйиб, бунинг учун муайян тўловни амалга оширишни ўз зиммасига олади, рекрут агентлиги эса ўз зиммасига мазкур ташкилот мутахассислари билан янги иш таклиф этиш бўйича музокаралар олиб бормаслик мажбуриятини олади. Юқорида қайд этилган шартномалар мисолида, тадқиқот давомида Ўзбекистон қонунчилиги учун янги бўлган муносабатлар таҳлил этилиб, ушбу муносабатларни расмийлаштириш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Кўрсатилаётган хизматларнинг хавфсиз бўлиши ушбу хизматларнинг асосий омилларидан бўлиши лозим. Тадқиқот давомида Тошкент шаҳрига кириб келган “Эскейп рум” номи билан аталувчи махсус хоналар фаолияти таҳлил қилинди. “Эскейп рум” шартномаси оғзаки тарзда тузиладиган битим бўлиб, унга кўра 4 тадан иборат бўлган фуқаролар гуруҳи 1 соатга муайян хонага қамаб қўйилади. Хоналар асосан кўп қаватли уй-жойларнинг ертўлалари ҳамда шаҳар чеккасидаги омборхоналарда жойлаштирилган. Мазкур хоналарга яшириб қўйилган шахслар 1 соат давомида хоналарда

махсус тайёрланган саволлар ёки бошқа техник анжомларни ишлатиб, бошқа хонага ўтиши, охирида эса ушбу лабиринтни тарк этиши лозим. Ушбу муносабатни “хизмат кўрсатиш шартномаси” тоифасига киритиб бўмайди, зеро хизмат кўрсатиш хизматни буюртирган фуқаронинг ўз ҳаётини хавф остида қолдиришини назарда тутмайди албатта. Тадқиқот давомида мазкур турдаги “Эскейп рум” ёки “квестлар”нинг биргина Тошкент шаҳри бўйича 100 дан ортиқ эканлиги, улар фаолиятини тартибга солувчи бирор-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмаслиги аниқланди. Тадқиқот даврида ушбу “Эскейп рум”ларнинг деярли барчасига ташриф буюрилиб, бевосита иштирок этиш орқали уларни инсонлар саломатлигига бевосита салбий таъсири мажудлиги аниқланди. “Квест” ҳамда “Эскейп рум” каби тушунчаларни қонунчиликка киритиш бўйича таклиф тайёрланиб, “эскейп рум”ларда хавфсизлик қоидалари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот давомида Тошкент шаҳрида жойлашган ўқув марказларида инглиз тилини ўрганиш мақсадида ташриф буюрганимда менга ўтказиладиган дастлабки дарс бепул эканлиги, агар кейинги дарсларда иштирок этиш нияти пайдо бўлса, унда кейинги ва дастлабки дарснинг қийматини тўлашим лозимлиги билдирилди. Мониторинг давомида Тошкент шаҳридаги барча ўқув марказларида шу каби амалиёт йўлга қўйилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатда фуқаро фақат бир вазиятда бепул дарс олиши мумкин, қачонки у дастлабки дарсдан сўнг ушбу ўқув марказига бошқа ташриф буюрмаса, агар у ўқишни давом эттирадиган бўлса, унда у дастлабки дарсга ҳам тўловни амалга ошириши лозим бўлади ҳамда дастлабки дарснинг бепуллиги ўз аҳамиятини йўқотади.

Фикримизча, бу вазият истеъмолчиларни “алдаш” бўлиб, уларга олдиндан нотўғри маълумот бериш орқали ўз хизматларига жалб қилиш фаолиятидир. Зеро, ўқув марказларидан бирортаси ўз рекламаларида биринчи дарснинг бепуллиги шартли эканлиги тўғрисида маълумотни кўрсатмасдан, нотўғри рекламага йўл қўймоқда. Чунки фуқаро ўқишни давом этиришни хоҳласа, дастлабки дарс нархи умумий курс нархига қўшиб ҳисобланиб, фуқарога тўлов учун тақдим этилмоқда.

Бу каби шартномаларни номланмаган тоифасидан расмий тоифага ўтказиш орқали ўқув марказлари томонидан фуқароларга нотўғри маълумот бериш амалиётига чек қўйиш мумкин бўлади.

Ходимлар малакасини оширишда яна бир шартнома мавжуд. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси, тингловчи ҳамда ушбу тингловчини юборган ташкилот билан тузиладиган уч томонлама шартномадир. Мазкур шартнома шартларига кўра, ташкилот ходимни академияга ўқишга юбориш, унинг иш жойи ва ўртача ойлик маошини сақлаб қолиш ҳамда зарур бўлса унинг ўқиши учун контракт тўловини амалга оширишни ўз зиммасига олади. Академия эса, ўз навбатида, ходимни ўқитиш ва малакасини ошириш мажбуриятини олади.

Мазкур шартнома, агар фақат юқорида баён этилган шартлардан ташкил топганида оддий ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси доирасида

баҳоланиши мумкин бўлар эди. Бироқ, мамлакат Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5139-сон фармонининг 8-бандига кўра, академияни муваффақиятли тамомлаган тингловчиларни иш жойларига тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиши белгиланган бўлиб, мазкур банд ушбу шартномага қайта назар солишга асос бўлади.

Мисол учун, мазкур шартномага мувофиқ, муайян ташкилотдан ўқиш учун келган ходимнинг 2 йил давомида ташкилот барча тўловларини амалга ошириши ҳамда яқинда “тайёр маҳсулот”, яъни ўқитилган кадрни унинг бошқа ташкилотга тақсимланиши оқибатида қўлга киритмаслиги мумкин. Бу ҳолатда мазкур шартнома хизмат кўрсатиш шартномаси доирасидан чиқиб кетади. Зеро, хизмат кўрестиш шартномасининг асосий шартларидан бири тўловни амалга оширган шахснинг муайян хизмат ёки товарни қўлга киритишидир. Албатта, мазкур фикр мунозарали бўлиши мумкин. Бироқ, фикримизча, академиянинг кейинги фаолияти ҳамда ташкилотлар академияга ҳақиқатда энг кучли ва истиқболли кадрларни юбориши учун ташкилотларга ходимни кейинчалик ташкилотга наф келтириши бўйича аниқ қафолатлари бўлиши керак. Акс ҳолда, ташкилотлар раҳбарларида иш бермаётган ҳамда ўзининг ишини эплай олмаётган ходимлардан қутилиш мақсадида уларни академияга юбориш амалиёти шаклланиш хавфи мавжуд бўлади.

Диссертациянинг ушбу бобида янги шартнома моделини мустаҳкамлайдиган меъёрлар унинг етарли даражада индивидуаллаштирилиши таъминлангани ва тегишли моделдан фойдаланишда юзага келадиган айрим масалаларни ҳал қилишнинг мақбул усуллари аниқланганидан сўнг қабул қилиниши, бунда моделларнинг етарли даражадаги амалиёти шаклланган бўлиши, акс ҳолда, махсус ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган нормалар амалиётдан ортда қолиши мумкинлиги тўғрисида хулоса қилинган. Шунингдек, давлатнинг тартибга солиш функцияси ёрдамида муайян механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётда жорий этиш орқали янги шартнома муносабатларининг мониторингини ташкил қилиш жамиятимиз ҳаётида ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий-ахлоқий самара бериши мумкинлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини ривожлантириш бўйича тавсиялар илгари сурилган:

I. Номланмаган шартномаларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш бўйича илмий-назарий хулосалар:

1. Номланмаган шартнома институтининг генезиси Рим ҳуқуқида шаклланган номсиз шартнома (“contractus innomnenti”) (биринчи Рим императори Марк Лабеон даври), эстиматор битим бўйича даъво қўзғаш ва тарафлар ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш, контрактнинг силлагматик тузилишига кўра номсиз шартномалар таснифи (ҳуқуқшунос Павел даври) ўрганилиб, номланмаган шартномаларнинг ҳуқуқий ўрни (Юстиниан қоидалари тўплами) Рим хусусий ҳуқуқи ва замонавий фуқаролик ҳуқуқи кесимида қиёсланди. Таъкидлаш керакки, номланмаган шартнома институтининг вужудга келиши ва муайян даражада такомиллашишида Рим хусусий ҳуқуқининг ҳиссаси салмоқли бўлиб, бу эътирофни ҳозирги шартнома тизим ва унинг асоси сифатида шартнома эркинлиги тамойилига нисбатан ҳам йўналтириш адолатли деб ҳисоблаймиз.

2. Глобаллашув шароитида илм ва техниканинг ривожланиши замирида ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши, ўз навбатида, мавжуд ҳуқуқ тизимларининг интеграциялашуви оқибатида бир турдаги шартномаларнинг бошқаси билан алмашиши ва аралашуви жараёнининг кучайишига, мавжуд фуқаролик ҳуқуқий шартномаларнинг қонунда белгиланган талаблари доирасига сиғмайдиган янги мустақил шартномаларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

3. Фуқаролик ҳуқуқий шартномалар тизимининг асослари сифатида “эркинлик”, “қонунга зид бўлмаслик” тамойиллари қаторида номланмаган ёхуд янги, тўғридан тўғри қонун ва ҳақиқийлик омили билан мустаҳкамланмаган шартномалар учун “ақл” ва “адолат” тамойилларига, “яхши ҳулқ”, “жамият манфаатларига путур етказмаслик” каби талабларга амал қилиш муҳим аҳамиятга эга.

4. Хорижий ҳуқуқ тартиботда номланмаган шартномалар тоифаси таълимот даражасида акс эттирилган бўлиб, шартнома эркинлиги тамойилини чеклашга урғу берилади ва номсиз шартномаларни четлаб ўтиш ҳолатлари кузатилади. Ҳукуматлараро ташкилотлар доирасида шартнома мазмунини эркин аниқлаш тамойили акс этган бўлсада, ушбу тамойилнинг миллий ҳуқуқ тартиботимизда берилган маънода тушуниш учун тегишли қоидаларни изоҳлаш зарурати мавжуд.

5. Номланмаган шартномаларнинг вужудга келиш асоси тарафларнинг хоҳиш-иродаси ва унинг амалга ошириш йўлидаги ҳаракати бўлиб, қонун, шунингдек, тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият тажрибаси унга нисбатан ҳуқуқий манба ҳисобланади. Номланмаган шартномаларнинг пайдо бўлиши хоҳиш-ирода (шахсга оид) назариясига асосланган ҳолда қонунга зид келмаслиги керак.

6. Муайян номланмаган шартномалар келгусида тажриба, одат (фуқаролик ёки тадбиркорлик муносабатлари қоидалари) ёхуд қонунда назарда тутилмаган мақбул ҳуқуқий модель сифатида муомалага киритилади. Шу тарзда, намунавий шартнома кўринишидаги типиклаштирилган шартнома шакллари андоза бўлиб хизмат қилиши мумкин.

7. “Қонун шартноманинг манбаси ва асоси” деган постулатдан ижобий фойдаланиш ноанънавий шартнома моделлари моҳиятини фуқаролик қонунчилиги юзага келтириши ҳақидаги фикрни ҳосил қилади. Бунда, биринчидан, юридик ва жисмоний шахслар учун қонунда назарда тутилмаган шартномаларни тузиш имкони яратилади, иккинчидан, фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари ва қонунийликни таъминлаш омили юзага келади.

8. Тартибга солиш нуқтаи назаридан ФК умумий қисмидаги мажбуриятлар ва шартномаларга тааллуқли барча меъёрлар номланмаган шартномаларга нисбатан тўғридан-тўғри қўлланилади. Зеро, мажбурият ва шартнома ҳуқуқининг умумий қисми қонунда мустаҳкамланган барча шартномаларга ҳам, шунингдек, қонунда ўз ифодасини топмаган янги шартномаларга ҳам бирдек тегишли.

9. Янги, муқаддам қонунчиликда мавжуд бўлмаган муносабатларни “легаллаштириш” қонун ижодкорлиги эътиборини талаб қиладиган асосий функцияларидан ҳисобланиб, номланмаган шартнома мажбуриятларини таснифлаш учун мажбуриятнинг мақсадий йўналтирилганлиги тизимли омил сифатида ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ўрин тутади.

10. Номланмаган шартномалар амалдаги қонунчилик тизими ва ФК доирасида фақатгина хилга, турга, кичик турга ҳамда шартнома турларидан бирига киритилиши мумкин.

11. Умумий қоидадан келиб чиқиб, номланмаган шартнома эркинлигининг чеклови ҳам шартномалар чеклови ва ҳақиқийлик шартларига тааллуқли умумий қоидалар татбиқ этилиб, объектив (меъёрий) ва субъектив (меъёрдан ташқари) бўлади. Биринчиси замирида қонундаги мавжуд чекловлар тушунилса, иккинчи гуруҳни шартнома тарафлари ихтиёрий равишда қабул қилган чекловлар ташкил этади.

12. Номланмаган шартномалар чекловининг омиллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш муҳим шартларга боғлиқ бўлиб, бунда қонунда мавжуд шартномалар билан умумий аломатларга эга номланмаган шартномалар учун муҳим шартлар фақатгина тегишли тасниф босқичига хос бўлган муҳим шартлари доирасида чегараларини белгилайди.

13. Аралаш шартноманинг таркибий қисмларидан бирини тузилмаган (ёхуд ҳақиқий эмас) деб топиш унинг бошқа таркибий қисмига нисбатан қўлланмайди, агар охириги тегишли хилдаги (турдаги, турлардан биридаги) шартнома учун муҳим шартларга эга бўлса. Бунда аралаш шартноманинг бир шартини бажариш бошқасини бажариш имкониятини йўққа чиқармаслиги керак.

14. Ўзига хос хилдаги шартномалар учун муҳим шартларни чеклаш шартлашувчи тарафларнинг ихтиёрига кўра ҳал қилинади. Бундай турдаги шартномани тузилмаган деб тан олиш шартномани ҳам, шартнома тузилган вазиятни ҳам изоҳлашни талаб қилади.

15. Номланмаган шартномаларни юридик таснифлаш амалиёти тегишли судларнинг аниқ қарорлари асосида биринчи марта ўрганиб чиқилди, номланмаган шартномалар мазмунининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди,

уларга нисбатан ўзига хос таснифлаш ўтказилди ва номланмаган шартноманинг ҳар бир тасниф тури учун тартибга солиш усули ва тартиби таҳлил қилинди.

16. Унитар номланмаган тузилишлар қонунчиликда тартибга солинган битимларнинг аломатларига эга шартномаларни ҳам, шунингдек бундай аломатларга эга бўлмаган алоҳида турдаги (suigeneris-ўзига хос) шартномаларни ҳам ифодалайди.

17. Номланмаган шартноманинг шартнома модели замонавий назарияга маълум бўлган тўртта шартнома тури таснифи аломатлари бўйича бўлиниши мумкин эмас. Мавжуд бўлган шартнома типларидан биттасининг аломатларига эга унитар номланмаган шартномалар истисно этилади. Ўзига хос унитар шартномалар, шунингдек аралаш типдаги номланмаган шартномалар мавжуд бўлган тасниф даражаларининг бирортасига ҳам киритилиши мумкин эмас.

18. Анъанавий шартномаларнинг вужудга келиш асосларидан ажралиб турувчи, номланмаган шартномалар вужудга келишининг алоҳида, ўзига хос асосларини ажратишнинг имкони йўқлиги сабабли номланмаган шартномалар пайдо бўлишининг алоҳида назарияси тўғрисида гапиришнинг имкони йўқ.

19. Шартнома тури қонунчилик билан тартибга солинганда, априори (даставвал, муқаддам тузилган) шартномасини номланган деб тан олиш баҳсли ҳисобланади. Чунки янги шартнома кўриниши (хилма-хиллик) ўзининг алоҳида белгиларига эга бўлиши, бошқа таснифлаш омилларини талаб қилиши мумкин. Бундай шартномалар қонунчиликда мавжуд бўлган тур (турлардан бири)нинг номланмаган турларидан бири деб тан олиниши лозим.

20. Номланмаган шартномаларни ҳуқуқий жиҳатдан тушуниш учун қонун ва ҳуқуқ ўхшашлиги (аналогия) тартибида қўлланиладиган, ФК умумий қоидаларига, шартномалар тўғрисидаги умумий қоидаларга, мажбуриятлар тўғрисидаги, шунингдек ФК аниқ бўлимларининг меъёрларига тегишли қонунчилик материалларини жалб этиш зарур.

II. Номланмаган шартномаларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишга оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

21. Қуйидаги кўринишдаги “номланмаган шартнома” тушунчаси таклиф этилди: “Номланмаган шартнома – бу амалдаги фуқаролик қонунчилигида мустақамланмаган (номсиз) ёхуд янги ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига назарда тутилган икки ва ундан ортиқ шартномаларнинг элементларини жамлаган, ўзига хос мақсадли йўналиш ва мазмундаги фуқаролик ҳуқуқий шартномадир”.

22. Вужудга келган янги турдаги муносабатлардан бир нечтаси танлаб олиниб, қонун билан тартибга солиш учун батафсил ўрганилди. Ўрганишлар натижасида номланмаган шартномаларга расмий тус беришнинг ўзига хос механизми яратилди.

23. ФКнинг 354-моддаси 3-бандининг 1-хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилди: “Тарафлар таркибида турли шартномалар таркибий қисмлари мавжуд бўлган, қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан назарда тутилган ҳамда назарда тутилмаган (аралаш) шартнома тузишлари мумкин”.

24. Номланмаган шартномаларнинг амалиётда мавжуд бўлиши имконияти борлигини ҳисобга олиб, ҳуқуқни қўлловчиларга янада тушунарли бўлиши учун уларни ҳуқуқий жиҳатдан қонун матнида (ФК 354-моддаси) тартибга солиш зарурлиги кўрсатиб берилди.

III. Номланмаган шартномаларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишга оид амалий таклифлар.

25. Фуқаролик кодексига янги, 5 та моддадан иборат, номланмаган ва аралаш шартномаларга бағишланган боб киритиш таклиф этилиб, мазкур янги боб лойиҳаси ишлаб чиқилди.

26. “Эскейп рум”лар бўйича хавфсизлик стандарти ишлаб чиқилди.

27. “Сунъий уруғлантириш шартномаси”нинг намунавий шакли таклиф этилди.

28. “Блоггер”ларнинг маълумотдан нотўғри фойдаланганлик учун жавобгарлик доирасини белгиловчи нормани Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқилди.

29. Криптовалюталарнинг амал қилиш амалиётини қонунчиликда мустаҳкамлаш орқали нафақат тадбиркорлар, балки давлат органлари ҳам қўшимча даромад олишлари мумкинлиги аниқ мисолларда кўрсатиб берилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.34/30.12.2019.Yu.74.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКОМ
ИНСТИТУТЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ**

**ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

АСКАРОВ НОСИРЖОН ИБРАГИМОВИЧ

**ПРАКТИЧЕСКИЕ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ГРАЖДАНСКО
ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ НЕПОИМЕНОВАННЫХ ДОГОВОРОВ**

12.00.03. – Гражданское право. Предпринимательское право.
Семейное право. Международное частное право (юридические науки)

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по юридическим наукам

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.PhD/Yu240.

Диссертация выполнена в Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан

Автореферат диссертации (на узбекском, русском и английском-резюме языках) размещён на образовательном портале ZIYONET (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель Рўзиев Рустам Джаббарович,
доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты: Самарходжаев Ботир Билялович,
доктор юридических наук, профессор;

Топилдиев Вохиджон Рахимжонович,
кандидат юридических наук, профессор.

Ведущая организация: Центр повышения квалификации юристов при
Министерстве Юстиции Республики Узбекистан

Защита диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук состоится 11.09 2020 года в 11 часов 0:0 на заседании Научного совета DSc.34/30.12.2019Yu.74.01 при Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан. Адрес: 100109, Ташкентская область, Зангиотинский район, курган «Чорсу». Тел. (99871) 230-32-71; факс (99871) 230-32-50; e-mail mg-hti@umail.uz.

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре военно-технического института Национальной гвардии (зарегистрирована под № 18/12) (Адрес: 100109, г. Ташкент, Зангиотинский район, Чорсу кургони. Тел.: (998971) 230-32-82; факс: (998971) 230-32-50).

Автореферат диссертации разослан «18» 07 2020 года
(протокол реестра № 4 от «18» 07 2020 года)



Рустамбаев М.Х.
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.ю.н., профессор

Чориев М.Ш
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.ю.н., доцент

Уманова М.А.
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.ю.н., профессор

Введение (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Совершенствование и интеграция социально-экономических отношений в мире, постоянное и всестороннее развитие предпринимательства приводит к усложнению договоров, увеличению её видов появлению изменений в облике, смыслу, а иногда и построению договоров. Сегодня всё больше встречаются непоименованные и смешанные договора, которые включают в себя несколько видов договоров, как договоров которые указаны в законодательстве, так и договоров которые не указаны.

В глобальном аспекте повышается количество договоров, заключаемых физическими и юридическими лицами, которые не имеют своего отражения в законодательстве какой либо страны. Возникает актуальность решений таких проблем как изучение перспектив гражданско-правового регулирования данных договоров, заключение, изменение, отмена непоименованных договоров, определение ответственности по нарушениям вытекающим из данных видов договоров, их совершенствования, подстраивание национального законодательства под требования международных правил, а также легализации договоров которые не отражены в законодательстве.

В рамках Стратегии Действий, в нашей стране, за последние годы были проведены большие изменения во всех сферах жизни. В юридической сфере в течение этого периода были приложены усилия для обновления и открытой идентификации существующих проблем и определения их решений. Эти изменения в основном состояли из либерализации действующего законодательства и предоставления гражданам и предприятиям дополнительных возможностей для социальной активности. Это влечет за собой дополнительные обязательства и появление нового типа отношений, ранее не регулируемых законом.

Данная диссертация отчасти служит исполнению таких нормативно-правовых актов как Гражданский Кодекс Республики Узбекистан, Закон Республики Узбекистан “О договорно правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов”, Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 года УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, Указ Президента Республики Узбекистан от 21.10.2016 года УП-4850 “О мерах по дальнейшему реформированию судебной правовой системы, усилению гарантий надёжной защиты прав и свобод граждан” и других.

Связь исследований с основными приоритетами развития науки и техники в республике. Исследование проводилось в рамках приоритетных направлений развития науки и техники в стране: «Морально-культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Для обзора зарубежной литературы по теме исследования были изучены исследования ученых из США, Европы (Германия, Франция) и стран СНГ, включая Российскую Федерацию, были

проанализированы законодательства таких стран, как Малайзия, Франция и США. В частности, были изучены научные исследования российских исследователей, М. Батлера и А. Писчикова, и высказаны мнения к их заключениям и выводам. Исследованы отношения государственного регулирования непоименованных договоров в малазийском законодательстве.

Вопросам непоименованных договоров посвящено небольшое количество статей, монографий и диссертаций. В зарубежных странах, особенно в Российской Федерации учеными-правоведами, работавших над этой темой в той или иной степени можно отметить таких исследователей, как Я. Драгонец, П. Холлендер, К. П. Победоносцев, Г. В. Шершеневич, Д. И. Майер, О. С. Иоффе, И. Б. Новицкий, В. А. Мусин, И. А. Покровский, Л. С. Галь, В. А. Удинцев, В. И. Синайский, А. Н. Танага, В. И. Овчинников, Ю. А. Тихомиров, Б. И. Пугинский, В. А. Писчиков, Б. Д. Завидов, Д. Гримм. Е. А. Зверева, В. В. Витрянский, В. В. Зайцев, М. И. Брагинский, О. Н. Садилов, В. Батлер, Ю. В. Романец, Е. А. Зверева, В. В. Витрянский, В. В. Зайцев, М. И. Брагинский, О. Н. Садилов, В. Батлер, Ю. Романец. Следует отметить, что в исследованиях вышеуказанных авторов, нетипичные и смешанные договора были рассмотрены как принцип общей свободы договора, или в качестве философии права, или в рамках конкретных предпринимательских отношений, либо в качестве примера иностранных законодательств.

Ряд известных ученых-цивилистов в нашей республике, в том числе И. Б. Закиров, Х. Р. Рахмонкулов, Ш. Н. Рузиназаров, О. Окюлов, Р. Рузиев, М. Х. Рахмонкулов, Ш. Асъянов, А. Мухаммадиев, И. Анортоев, С. Бобокулов, К. К. Рашидов, К. Синдоров, В. Р. Топилдиев, М. Ш. Чориев и другие при изучении гражданско-правовых договорных отношений уделили внимание непоименованным договорам в той или иной степени. Например, если выдающийся ученый-цивилист, академик М. Х. Рахмонкулов, профессора И. Б. Зокиров, О. Окюлов и Ш. Рузиназаров в своих произведениях ограничивались лишь упоминанием о существовании договоров такого типа, то профессор Р. Рузиев упоминает о таких договорах в рассмотрении лизингового договора, смешанного договора и классификации договоров, профессор А. Мухаммадиев при изучении принципа свободы договора, В. Топилдиев даёт краткий обзор ситуации в древнеримском праве.

Примечательно, что в нашей республике до сегодняшнего дня не было уделено достаточного внимания комплексному исследованию взаимоотношений, форм концепций смешанных и непоименованных договоров, особенностей появления непоименованных договоров, определений пределов их подлинности, разделений непоименованных договоров в рамках классификации известных договоров, подходам к правовому регулированию непоименованных договоров при отсутствии конкретного законодательства и такого рода вопросов.

Несмотря на то, что в национальном законодательстве не используется термин «непоименованный договор», в пунктах 1 и 3 статьи 354 Гражданского кодекса Республики Узбекистан говорится, что "Граждане и юридические лица

свободны в заключении договора ..., стороны могут заключить договор и не предусмотренный законодательством", оставив значительное место для дискреции в процессе заключения контракта для юридических лиц.

Таким образом, чтобы полностью реализовать пункты 1 и 3 статьи 354 Гражданского кодекса, необходимо изучить суть непоименованных соглашений и определить их место и роль в системе юридически обязательных соглашений. Предоставляя предпринимателям широкие возможности для практической реализации принципа заключения свободных договоров, изучение методов правового регулирования является одной из наиболее актуальных задач, стоящих сегодня перед цивилистикой.

Связь темы диссертации с планом научно-исследовательской деятельности высшего учебного заведения, где диссертация была выполнена. Выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан в рамках приоритетного направления темы: «Усовершенствование законодательных норм на основе реформ в судебной системе Республики Узбекистан».

Целью исследования является разработка научно-теоретических и практических предложений и рекомендаций по регулированию и усовершенствованию гражданско-правовых непоименованных договоров.

Задачи исследования:

анализировать понятие и содержание непоименованных договоров с научно-теоретической точки зрения;

изучить формирование и развитие института непоименованных договоров в правовом порядке Узбекистана и зарубежья;

исследовать основы возникновения и условия непоименованных договоров;

классифицировать непоименованные договора в системе гражданско-правовых договоров;

раскрыть условия подлинности и ограничения непоименованного договора;

показать особенности правового регулирования непоименованных договоров;

сделать выводы и дать предложения и рекомендации, имеющие научно-теоретические и практические значения по совершенствованию правового регулирования непоименованных унитарных и смешанных договоров.

Объектом исследования является социально-правовое отношение по гражданско-правовому регулированию непоименованных договоров в нашей республике.

Предмет исследования составляет научно-теоретическая и практическая деятельность, связанная с гражданско-правовым регулированием отношений непоименованных договоров.

Методы исследования. В исследовании широко используются методы анализа, синтеза, дедукции, индукции, сравнительно-правового анализа,

историчности, анкетного опроса, эмпирических материалов и анализа статистических данных, наблюдения, системного подхода, логистики.

Научная новизна исследования :

впервые проведён комплексный анализ гражданско-правовых договоров, встречающихся в научно-теоретическом отношении под названиями «с необычным содержанием», «нетипичный», «вышедший из нормы», «без наименования», «смешанный», «новый», «неквалифицированный», «непоименованный» с выдачей авторского описания данным понятиям;

непоименованные договора на основе их значений и классификации упорядочения были классифицированы в такие виды как унитарные и смешанные договора;

в рамках повышения сохранения репродуктивного здоровья населения, было предложено раскрытие в законодательстве таких понятий как “суррогатное материнство” и “искусственное оплодотворение”.

было предложено вывести из рамки товаров выпущенных в Республике Узбекистан товаров которые были привезены в нерасфасованном виде и расфасованы на территории Узбекистана (In bulk);

было предложено признать любую медицинскую технику - in bulk техникой, если она прошла все этапы создания и комплектации за пределами нашей страны, за исключением расфасовки, маркировки и упаковывания.

был предложен типовой договор трансфера который используется при переходе футболистов из одного клуба в другой.

Практические результаты исследования. В будущей научной деятельности, законотворчестве, правоприменительной практике, применение соответствующих норм законодательства, регулирующего гражданское предпринимательство, гражданские отношения, совершенствование национального законодательства с теоретической точки зрения может быть использовано для дальнейшего обогащения научной значимости исследования, его научно-теоретических выводов, предложений и рекомендаций. Опора на теоретические аспекты исследования позволит проводить новые исследования по темам, связанным с регулированием возникающих отношений в будущем.

В качестве практических результатов диссертации можно привести то, что были разработаны предложения по таким видам договоров как «договор искусственного оплодотворения», «договора сдачи крови», «трансплантации», «донорства», «договора трансфера», «In bulk», «договор суррогатного материнства», «договор антирекрута».

В частности были подготовлены предложения по внесению в законодательство таких понятий как «эскейп рум», «блогер», «квест», был разработан стандарт безопасности в «эскейп румах», а также типовые договора «искусственного оплодотворения» и «трансфера футболистов».

Данные результаты, во первых служат укреплению правовых основ гражданских договоров, во вторых, легализации типов договоров которые не отражены в нашем законодательстве, в третьих официализации данных видов договоров, в четвёртых заполнению пробелов и белых пятен в

законодательстве, в пятых способствует правовому регулированию непоименованных и смешанных договоров.

Достоверность результатов исследования.

Теоретические взгляды, использованные в диссертации получены из официальных источников. Результаты исследования, которые основываются на международных и национальных законодательственных нормах, передового зарубежного опыта, общепризнанных теорий цивилистики утверждены со стороны уполномоченных органов с внедрением в практику,

Научная и практическая значимость результатов исследования.

Разработанные в рамках исследований научно-теоретические выводы, предложения и рекомендации можно использовать в национальных законодательственных нормах и в совершенствовании их применительной практики, обогащении научных-теоретических баз гражданского права, включая договорные институты и другие соответствующие области права, в процессе обучений студентов в высших учебных заведениях юридического направления, научных исследованиях и в деятельности повышения квалификации, а также в судебной практике.

Внедрение результатов исследования. Основные результаты диссертации:

